Национальная библиотека УзССР
44 897

ЮЗ МАМЛАКАТ БИЛАН

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон билан савдо алоқаларини олиб бораётган жаҳондаги мамлакатларнинг сони 100 дан ошиб кетди. Бу мамлакатларнинг кўпчилиги билан савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий мезонлари ўрнатилган. АҚШ, Германия, Швейцария, Буюк Британия, Россия, Жанубий Корея республикаси асосий савдо мижозлари ҳисобланади ва улар бу ҳамкорликда пешқадамдир. Шу жараён асосида экспорт-импорт операцияларини бажарувчи корхоналар сони 6 мингдан ошиб кетди.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

ТОШКЕНТДА "SONI" ЧИҚАРИЛАДИ

Пайтахтимиздаги "Фотон" заводида Япониянинг жаҳонга машҳур "Soni" фирмаси билан ҳамкорликда замонавий телевизорларнинг дастлабки синов намуналари техник имтиҳондан муваффақиятли ўтмоқда. Корхона бош муҳандиси Александр Христичнинг айтишича, мустақилликнинг 6 йиллиги байрами арафасида ўзбек "soni"ларининг дастлабки туркуми арғумон этилади. Телевизорлар 21, 25, 29 см диагоналли бўлиб, йил охиригача 20 мингта дона чиқарилади ва Ўзбекистон аҳолисига сотилади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

АҲМЕДОВЛАР ДАРОМАДИ

Бухоро вилоятининг Д. Бобокулов номидаги жамоа хўжалигида яшовчи Латифа ва Акмал Аҳмедовлар оиласи учун томорқа катта даромад манбаига айланди. Улар 0,12 гектарлик томорқадан шу йил баҳорда бир неча ўн минг сўмлик эртаги карам, бодринг, картошка сотдилар. Оила иссиқхонада етиштирилган эртаги сабзавот кўчатини сотишдан ҳам яхшигина фойда олди.

—Ўтган йили биз томорқамиздан жами 150 минг сўмдан кўпроқ даромад қилдик, — деди Акмал Аҳмедов. — Бу йил оладиган фойдамиз икки-уч баравар кўпаяди, деб ўйлайман.

(ЎзА).

МУСТАҚИЛЛИК ТАРАННУМИ

Мамлакатимиз Бадиий академиясининг Бонн шаҳрида "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" тасвирий санъат кўргазмасини намойиш қилди. "Намуна" санъат фонди галереяси бир ой давомида немис томошабинлари билан файзли бўлиб турди. Таниқли мўйқалам усталари Алишер Мирзаев, Баҳодир Жалолов, Ортиқ Қозоқов, Сергий Алимбетов, Ғайрат Бойматов каби санъаткорларнинг диёримиз мустақиллигини тараннум этувчи асарлари талабчан мухлислар диққатини жалб этди.

Сайёра ЖАББОРОВА.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 10 июль, пайшанба № 80 (22.164).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ 1992 йил 8-10 июль — ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Финляндияда бўлди. У Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгашининг 17 йиллик танаффусдан кейин Хельсенкида бўлиб ўтган дастлабки йиғилишида иштирок этди.***

✓ 1995 йил 9-10 июль — ***Туркия Бош вазири Тансу Чиллер расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги меморандум имзоланди.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИНГ САҚЛАНИШИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛДИРИЛИШИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Солиқ ва молия органлари томонидан ўтказилаётган текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, республиканинг баъзи вазирликлари, идоралари, корхоналарида молиявий аҳвол қониқарсизлигича қолаяпти, ўз айланма маблағларини сақлашга масъулиятсизларча муносабатда бўлиш, талайгина маблағларни дебиторлик қарзига жалб этиш, тайёр маҳсулотнинг нормативдан ортиқча қолдиқларида ишлатмай қўйиш фактлари мавжуд.

Ўз айланма маблағларинисақлаш ва тўлдиришга масъулиятсизларча муносабат ҳужалик юритувчи субъектлар ўртасида кооперация асосидаги алоқаларнинг бузилишига, тўланмаган қарзларнинг кўпайишига, бюджет тўловлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслигига олиб келмоқда ва умуман ижтимоий кескинликни келтириб чиқариши мумкин.

Айланма маблағларнинг сақланишини ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш, шунингдек тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, айланма маблағларнинг сақланиши, мақсадли фойдаланилиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, холдинг компаниялари ҳамда бошқа корхоналарнинг ихтиёрий бирлашмаларида — раҳбар ва унинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, хўжалик юритувчи субъектлар даражасида эса — корхона (ташкилот) директори, унинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари ва бош бухгалтери шахсан жавобгар бўладилар.

2. Назорат қилувчи органлар, мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхона ва ташкилотларда айланма маблағлардан мақсадли фойдаланилмаганлиги ва тугатиб йўқ қилинганлиги фактларини аниқлаган ҳолларда шуларга оид ҳужжатлар уларнинг банкротлиги ва 1 бандда кўрсатилган шахсларни амалдаги қонунларда ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиш бўйича ишларни қўзғатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун тегишли органларга киритилиши белгилаб қўйилсин.

3. Истиқболсиз ва тўловга қурбсиз корхоналар ҳамда ташкилотларни аниқлаш, улар бўйича зарур чораларни кўриш борасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича Қўмитанинг иши етарли эмаслиги қайд этиб утилсин.

4. Республика халқ ҳужалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича ҳамда корхоналар банкротлиги ва санациялаш масалалари бўйича ҳукумат комиссиялари (У. Т. Султонов) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Прокуратураси билан бирга бир ой муддатда:

тармоқлар ва ҳудудлар бўйича дебиторлик-кредиторлик қарзлари ҳосил бўлиш сабабларини пухта таҳлил этиб, ўз ваколати доирасида ҳисоб-китоб ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилсин;

ҳисоб-китоблар ҳолатини нормаллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб, бунда қарздорликнинг кўпайиши — айланма маблағларни тугатиб йўқ қилиш, улардан мақсадли фойдаланмаслик, тайёр маҳсулотнинг нормативдан ортиқча заҳираларига ва тугалланмаган қурилишга актив айланма маблағни жалб этиш сабабларини бартараф қилишга алоҳида эътиборни қаратсин;

банкротлик билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишни тезлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқсин. Иқтисодий ночор корхоналар ва банкрот корхоналар бўйича ишларнинг аҳволи матбуот ва телевидение орқали кенг ёритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, холдинг компаниялари ва алоҳида корхоналар билан бирга 1997 йилнинг 1 ярми якунлари бўйича республика иқтисодиёти тармоқларида айланма маблағларнинг ҳолатини кўриб чиқсинлар, айланма маблағларнинг сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши устидан, уларни тўлдириш манбалари устидан қаттиқ назоратни таъминлаш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиб, тақдим этсинлар.

6. Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, холдинг компаниялари ва алоҳида корхоналар бир ой муддатда айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар, бунинг учун ўзларининг реал манбаларини аниқлаб олсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ҳужалик-молия фаолияти билан боғлиқ амалдаги норматив ҳужжатларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиб, уларда айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун ҳужалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш чораларини, ҳатто жиноий жавобгарлик чораларини кўзда тутсин. Амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар талаб этилган ҳолларда ўз таклифларини Олий Мажлисга киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 9 июль.

ЭЪТИБОР КАТТА

Ўзбекистон ХДП Сирғали тумани бошланғич ташкилотларининг етакчилари, ишлаб чиқариш корхоналари ва жамоат бирлашмалари раҳбарларининг навбатдаги йиғилиши Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобига бағишланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов асарнинг бой мазмуни, назарий, сиёсий ва амалий аҳамияти тўғрисида маъруза қилди, йиғилганларнинг саволларига жавоб берди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов ва Сирғали тумани ҳокими М. Йўлдошев иштирок этдилар.

Янги асрнинг янги асари

* * *

Юртбошимизнинг янги асарини ўрганишга оид партия фаоллари йиғилишлари, шунингдек, Фарғона вилоят ҳамда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ташкилотларида ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

ЙЎЛИМИЗНИ ЁРИТГУВЧИ АСАР

Куни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари бўйича китобхоналар конференцияси ўтказилди.

Олимлар, ёзувчи, журналистлар ва шаҳар кутубхона жамоатчилиги иштирок этган анжуманни Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири ўринбосари Равшан Юнусов очди. Анжуманда маъруза қилган адабиётшунос олим Султонмурод Олимов асарнинг жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги тамойилларини белгилаш, мамлакатимиз келгуси равнақини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида батафсил тўхталди.

Халқ таълими вазирлиги масъул ходими Мойли Лафасов, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор Ж.Т.Туленов, Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси директори А.Умаров, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири ўринбосари М.Мирзаев, «Ёшлик» журнали бош муҳаррири С.Ўнар ва бошқалар Президент асарини кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб ва ташвиқ этишда кутубхоналар ишини фаоллаштиришнинг аҳамияти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кутубхонада ташкил этилган «Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши» номли китоблар кўргазмаси конференция қатнашчиларида илиқ таассурот қолдирди.

* * *

Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция академик Ислом Каримовнинг янги китобига бағишланди. Фанлар академиясининг президенти, академик Т. Жўраев бошқарган ушбу анжуманда мамлакатимиз раҳбарининг янги асари катта методологик аҳамиятга моликлиги таъкидланди. Муаллиф давлатимиз, жамиятимиз хавфсизлигига таҳдидни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш йўлларини аниқ кўрсатиб берди. Анжуман иштирокчилари ўз нутқларида китобдаги назарий хулосалар ва амалий тавсияларни амалга ошириш Ўзбекистон келажакда жаҳон майдонида ўзига муносиб ўрин эгаллашининг кафолатидир, дея таъкидладилар.

Конференцияда Ислом Каримов китобининг асосий қоидалари мамлакат олимларига фундаментал тадқиқотларнинг энг муҳим йўналишлари, шу жумладан ижтимоий-гуманитар тадқиқотларнинг асосий йўналишларини белгилаб олишлари учун ноёб имконият яратиши таъкидланди.

Конференция ишида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт 10—11 июль кунлари Варшава ва Бухарестга сафар қилади. Словакиянинг Любляна шаҳрига эса 12 июлда боради. 13 июлда Вильнюс ва 14 июлда Прага (Чехия Республикаси)га бориб, ушбу мамлакатлар раҳбарларини НАТОнинг Мадриддаги саммити якунлари билан таништиради.***

* * *

☑ ***Оммон шаҳрида Иордания билан АҚШ ўртасида сармоялар ажратиш бўйича икки томонлама шартномалар имзоланди. Шартномага биноан икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик мустаҳкамланади. Қўшма Штатлар Иорданияга кўрсатилаётган ёрдам миқдорини ошириб, уни 100 миллион долларга етказишга қарор қилинди. Қирол Ҳусайннинг Фаластин ва Исроил ўртасида ҳамда Яқин Шарқда тинчликни барқарорлаштириш борасидаги хизматларини ҳисобга олиб, шундай қарорга келинди.***

* * *

☑ ***Кеча Қоҳирада очилган Бутунжаҳон ислом кенгаши 29-конференциясининг кун тартибидан жой олган масалалардан бири Чечнистон пойтахти Грознийда ислом институтини ташкил этишдир. Кенгаш раиси шайх Ал-Азҳар Муҳаммад Тантауининг таъкидлашича, Чечнистондаги дастлабки олий ўқув юрти йилига 80 нафар мулла тайёрлайди.***

* * *

☑ ***АҚШ ҳукумати Комбоджада ўзаро курашаётган қарама-қарши гуруҳларни жанговор ҳаракатларни тўхтатишга ҳамда барча келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш ва фуқаролар урушига чек қўйиш тўғрисида 1991 йилда имзоланган Париж битимига амал қилишга чақирди.***

* * *

☑ ***Германия пойтахтида Европадаги 40 мамлакатдан ташриф буюрган почта алоқаси ва телекоммуникация соҳаси вакилларининг анжумани бўлиб ўтди. Унда ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш каби масалалар муҳокама қилинди.***

ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ИМКОНИЯТИ

Қарор ва шарҳ

Мамлакатимиз суверен давлат сифатида очиқ иқтисодиётни вужудга келтириш соҳасида фаол иш олиб бормоқда. Истиқлолнинг ўтган даври бозор иқтисодиёти — эркин иқтисодиётлигини, яккаланиш ва биқиқлик унга ёт эканлигини яқол намоён этди. Президентимиз ўз асарларида таъкидлаганларидек, иқтисодиётимизнинг келажаги унинг жаҳон хўжалигига қўшилишига боғлиқдир. Шу маънода диёримиз ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти қай тарзда йўлга қўйилиши катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бутун дунё билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик йўлини танлаганини эълон қилди. Бу даъват хориждаги кўплаб сармоядорларни ўзига жалб этди. Меҳнаткаш халқи, бой ҳом ашё заҳираси бўлган ўлкада истиқболли корхоналар қуриш ҳар тарафлама наф беришини чет эллик ишбилармонлар англаб етдилар. Куни кеча республика Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»**ги қарори юртимизда қўшма ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келтириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишни рағбатлантириш каби мақсадларда қабул қилингани айни муддаодир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармони бу борада янги йўналишларни белгилаб берган эди. Мазкур Фармонга мувофиқ қабул қилинган қарорда хорижий сармоядорлар фаолиятини асосан маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш орқали қўшма корхоналар самарадорлигини ошириш кўзда тутилгандир.

Хўш, янги қабул қилинган қарорнинг аввалгисидан қандай тафовутлари бор. Гап шундаки, корхона низом жамғармаси шу пайтгача 10 минг АҚШ доллари миқдорида бўлиши кифоя эди. Эндиликда мазкур меъёр 300 минг АҚШ доллари даражасига кўтарилди. Негаки, озгина маблағ билан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш осон бўлмайди. Айни пайтда чўғи баланд сармоя маҳсулот етиштириш орқалигина кўпроқ ва тезроқ самара беради.

Тасдиқланган низомга биноан хорижий инвестициялар улуши корхона устав жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур. Корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт. Бу шартларга мувофиқ келмайдиган корхоналар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди. Корхоналар жойлашган ҳудуддаги шаҳар ва туманлар ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга маблағ сарфланаётган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан олинадиган солиқнинг ставкалари камайтирилиши ҳам бу борада янги имкониятларни намоён қилиши керак. Эндиликда 300 минг АҚШ долларидан 1 миллион долларгача тенг бўлган суммадан — 20 фоиз миқдорида, 1 миллион АҚШ долларига тенг ва ундан кўпроқ бўлган суммадан — 16 фоиз миқдорида солиқ олинади.

Яна баъзи имтиёзлар ҳақида. Экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий сармоялар иштирокида янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмида 25 фоиздан кўпроғини болаларга мўлжалланган товарлар ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан 5 йил муддат мобайнида фойдадан олинадиган солиқ тўламайди. Шундан кейинги йилларда мазкур корхоналарнинг фойдасидан солиқ амалдагига нисбатан 2 баравар камайтирилган ставка бўйича ундирилади. Агар корхонанинг низом жамғармасида хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан 2 йил муддат мобайнида фойдадан олинадиган солиқдан озод қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори хорижий инвесторларни кўпроқ ишлаб чиқаришга, шу асосда фойда олишга, маҳсулотни четга сотишга, пировардида тушган валюта тушумини ўзимизга йўналтиришга ундайдиган омил бўлиши лозим. Маълумки, мамлакат Президентининг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилингандан буён муайян вақт ўтди. Кузатишимизча, шу муддат мобайнида илгари савдо-тижорат билан машғул бўлган қўшма корхоналарнинг аксарияти ишлаб чиқаришга йўналиб бораётганлиги қувончлидир. Олинган маълумотларга кўра бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида рўйхатдан ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони 3100 дан ортиқни, нуқул хорижий сармоя билан ишловчи корхоналар 700 дан зиёдни ташкил этади. Шубҳа йўқки, Ўзбекистон истиқболини кўзловчи бу ҳужжат мамлакатимизни жаҳон иқтисодий ҳамжамиятидаги мавқеини янада мустаҳкамлайди, Ватанимиз қудратини оширишга имкон яратади.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи.
Азим ЖЎРАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

АШУЛА ДАФТАРИ

ёки ўқувчилар мактабда қандай қўшиқларни ижро этмоқдалар?

Миллат ва маънавият

Шаҳар четроғидаги боғларнинг бири. Атроф тўла болалар. Ҳаммаларининг кайфиятлари чоғ, ўйнаб-кулиб юришибди. Бир-бирларига жуда ўхшаб турган опа-сингилни кузатаман. Бири 13-14 ёшларда, иккинчиси 6-7 ёш чамасида. Катта қиз ўзича қайсидир қўшиқни завқ билан хиргойи қилади, кичкинаси беихтиёр унга қўшилиб айта бошлайди. Опаси зарда билан шартта қўшиқни тўхтатади:

— Сен айтадиган бўлсанг, мен айтмайман! Ўзинг айтавер!

Шундай қилиб қўшиқнинг давомини эшитолмадик. Опасингил бошқа ўйинга банд бўлиб кетишди.

Мен эса бу келишмовчиликнинг боиси ҳақида ўйлайман. Улар бирга куйлайверишса нима қиларди? Қайтанга яхши—ку! Ўзимга-ўзим савол бераман. Дарвоқе, мактабда биз қайси қўшиқларни ўрганганмиз? Ҳозир улардан қайси бирини ёддан биламиз? Астойдил эслашга уринаман, лекин «Меҳнатсевар Ойбўстон, номинг оламга достон»дан нарига ўтолмайман. Хотирам шунчалик заифми ёки бизга эсда қолгулик қўшиқларни ўргатишмаганмикин?

Йўқ-йўқ, эсимга тушди: Абдуваҳоб исмли синфдошимиз бўларди. У «Отамларга салом айтинг», «Қарғалар учса қарайлик» (Ватан ҳақида нечоғлиқ гўзал қўшиқлар эди улар) каби ашулаларни биларди. Зериккан пайтимизда илтимос қилсак у ўша қўшиқларни бор овози билан айтиб берар эди.

Бизнинг ашула дафтаримизда эса: «Салимжоннинг товуғи бор, олачипор қаноти, ку-ку, ку-ку, ку-ку қичқириши ғалати» каби матнлар бор эди холос. Бизнинг ашула китобимиз эмас, ашула дафтаримизгина бўлган-да.

Хўш, ҳозирчи? Фарзандларимизнинг ашула дафтарига қандай қўшиқлар муҳрланаётир ва уларнинг қайси бирлари болаларнинг кўнгил мулкига айланмоқда? Ашула китоблари борми ёки улар ҳам биз каби ашула дафтарлари билан чекланишяптими? Ашула дарслари ҳафтасига неча соат ўтилади ўзи? Ўқувчилар ва муаллимлар бу дарсни муҳим фан деб санашармикан? Ўғил-қизларимиз ашуладан қандай баҳо олишяпти? Шундай саволлар кўндаланг бўлганда хушёр тортасан киши...

Ўқувчилардан сўраб кўраман:

— Ашула дарсида қандай қўшиқларни ўргангансизлар?

— «Қўйимиз эгиз туғди», «Юлдузлармиз, юлдузлар», «Бир жаҳон болалармиз».

— Бирортасини айтиб беринглар, — деб илтимос қиламан. Айтишолмайди. Афсусланиб кетаман. Мактабда фарзандларимиз ўрганаётган қўшиқларнинг савияси шу даражадами! Шунчалик жўн қўшиқларни куйлаб мусиқий савод чиқарган болалар улғайганларидан сўнг мумтоз ашулаларимизнинг, халқ қўшиқларининг мағзини қандай чақишаркан? Уларнинг ҳаётий ширасидан баҳраманд бўлишармикан?! Умуман санъатни болалар қўшиқчилиги, катталар қўшиқчилиги деб чегаралаш шартмикан? Фарзандларимиз мактаб парталариданоқ халқ қўшиқларини, мумтоз ашулаларни ўзлаштириб ўссалар бунинг нимаси ёмон? Ахир, Ёр-ёр, Алла, халқ ўлани ва лапарларининг сўзи, оҳанги қулоғимизга ҳам, кўнглимизга ҳам жуда яқин-ку. Фарзандларимиз синфхоналарида «Салим, Салим, Салимжон, бунча бўлдинг сен нимжон»ни куйлаган билан кўчада ва уйда бутунлай бошқа қўшиқларни айтиб юришибди-ку.

Сир эмас, ҳар йили юзлаб қўшиқлар яратилмоқда. Фақат уларнинг ҳаммаси ҳам кўнгил мулкимизга дуру жавоҳир бўлиб қўшилаётгани йўқ. Шундай экан ўғил-қизларимиз мактабда ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган, энг чиройли қўшиқларни куйласинлар. Улар ашула дарсларида мумтоз ашулаларнинг, Шарқ наволарининг яратилиш тарихидан бохабар бўлсинлар. Чолғу асбобларимизнинг сир-синоатлари тўғрисида маълум бир тушунчага эга бўлишсин. Эҳтимол, шунда болаларимиз миллий санъатимизнинг қадрига яхшироқ етишар. Айтаётган қўшиғига кимнидир жўр қилишни ор деб эмас, фахр деб билишар.

Истаймизми-йўқми, санъат — чиройли куй ва қўшиқлар умримизга зеб, қалбимизга нур беради. Шундай экан, ашула дарсларига беписанд бўлиш, уларнинг энг сўнгги соатларга қўйилиши, бу фандан ҳамманинг бирдек «4» ва «5» баҳо олиши инсофдан эмас.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳуқуқ маданияти

ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш давлат сиёсати даражасига қўйилиши бежиз эмас. Ўз ҳуқуқини билмаган фуқаро отсиз извошга ўхшайди. Фаолиятсизлик ҳунук оқибатларни келтиради. Шунинг учун ҳам ўзлигини англаган инсон ҳуқуқий билимга эга бўлиши зарур. Турмуш тарзидаги ҳар қандай зиддиятларни оқилоналик, сермулоҳазалик билан бартараф этади.

Шу мақсадда доимий фуқаролар орасида бўладиган айрим соҳа хизматимиз раҳбар-ходимлари билан аҳоли ўртасида учрашувлар уюштирмоқдамиз. Қонуннинг моҳияти ва унинг устуворлиги ҳақида атрофлича тушунчалар бермоқдамиз. Жиноятнинг содир этилишида фуқароларни қонунсиз ҳаракатлари мисоллар тариқасида таъкидланмоқда. Ҳуқуқий маданиятни ўзлаштириш нафақат фуқаролар, балки ички ишлар идоралари ходимларининг бурч ва вазифасидир. «Маърифат» дарсларида ва сиёсий ўқув машғулотларида ҳуқуқий маданият устуворлигига эришиш борасида сабоқлар бериб борилмоқда. Вазирлигимизнинг махсус буйруғи асосида синовлар олинмоқда.

Биз ички ишлар идораларига қабул қилинаётган ёш кадрларни ҳар томонлама чиниққан, жисмонан бақувват, маънан соғломлигини тестлар асосида синовдан ўтказмоқдамиз. Улар ёзма иш ҳам топширадилар. Милиция ходими ёзинда имловий хатоларга йўл қўйса фуқаролар томонидан кулгига қолиши турган гап. Хизматга кирмоқчи бўлганлар сони тобора ортмоқда. Билими яхши, соғлом кадрлар танлаб олинмоқда.

Одам оласи ичида деганларидек, сафимизга нопок йўллар билан кириб қолган, ўзининг интизомсизлиги ва қўли эгрилиги билан шахсий таркиб обрусига доғ туширувчи ходимлардан ўз вақтида воз кечилаяпти.

Ҳуқуқ — бу ўзлигинги англашдир. Ҳуқуқий маданият эса ана шу ҳислатларни юксак идрок нуқтаи назари билан амалга оширишдир. Бу йўлда биз яна масъулиятни кучайтирамиз. Ходимларимизнинг фуқаролар билан муносабатида юксак инсоний ахлоқ тамойилига эришишга эътиборни қаратамиз. Ўз навбатида фуқароларда ҳуқуқий билимни оширишда мутахассис ходимларимизни корхона ва бошқа муҳим муассасаларда учрашувларини уюштириб борамиз.

Нарзулла ЖУМАНОВ,
Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги.

Саратон ишлови.

Ш. Шарипов (ЎзА) олган суратлар.

ЮЗИ ЁРУҒ КЕЛИН-КУЁВЛАР

Қадриятларимиз

Ёз-куз ойлари айни тўйгарчилик авжига чиқади. Кимдир ўғлининг қўлини ҳалолласа, бошқалар қизининг сепини ҳозирлайди. Куёвга муносиб ёр излайди. Хуллас, тўйга нима етсин, орзу ҳавас-да. Илло, ёшларимиз, келажак авлодимиз ҳамиша бахтли ва тотув яшаб кетишларига ким кафолат беради, деб ўйлаб қоласан киши. Гапнинг боиси шундаки, мусулмон аёлларда номус ўлимдан афзал. Худо кўрсатмасин, тантанали тўй маросимидан кейин бир кун ўтиб, келинпошшанинг бор-йўғ мол-ҳолини машинага ортиб, ўйига олиб келиб ташлашса, «ҳе,... қизингдан ўргилдим...» деган маънода ёвқараш қилишса, чидаб бўларми-кан.

Албатта, ўғил-қизларимизнинг теги-тахти суриштирилади. Ўғил боланинг ножўя «нафас» олишлари-ю, қадам босишлари ҳам ўрганилади. Қиз тарафнинг ҳам қариндош-уруғию, қўни-қўшнилардан суриштирилади. Аммо ўша биз кўзда тутаётган «иллат» кўпгина ҳолатларда яширин қолади ва куни келганда иситмаси ошкор этади. Қанийди, эндигина қуда-анда бўлишга аҳду паймон қилаётганлар ўзаро келишувлар чоғида бор гапларни ошкора ўртага ташлашса. Ундай десанг, ўртада шайтон бор, деганларидек қиздир, ўғилдир «сири»ни шундай ним сақлайдики, охири ўзи яшаб турган оилага иснод келтириши мумкинлигини ўйламайди.

Бу масалани туманимиз тажрибасида кўрадиган бўлсак, қуйидаги рақамлар кишини ўйлантиради. Хусусан, ўтган йилнинг иккинчи яримида 26 та оиланинг никоҳлари бекор қилинган бўлса, жорий йилнинг шу вақтигача 20 марта ана шундай нохушлик юз берди. Бу туманимизда истиқомат қилаётган жами 48 минг 100 га яқин аҳоли учун кўпдек туюлади. Биз бундай ноқулайликларни олдини олишга, рақамларни қисқартиришга ҳаракат қиляпмиз.

Албатта, никоҳ ҳалоллик ва поклик рамзи. ФҲДЁ — фуқаролик ҳолатлари далолатномасини ёзиш бўлимларида рўйхатдан ўтказилган никоҳлар мустаҳкам бўлиши керак. Шу мақсадда туман прокуратураси, тиббий муассаса ходимлари иштирокида ҳайрли ишга қўл урдик. Мақсад бўлажак келинпошшалар никоҳга ариза ёзганларидан кейин уларни туман поликлиникасида тиббий кўрикдан ўтказиш тадбири қўлланилмоқда. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни бундай масканлар ёшлар билан гавжумлашмоқда.

Шифокорларнинг берган хулосалари никоҳ аризасига қўшиб бизга топширилади. Кейин ёшларни никоҳлашга ўтмоқдамиз. Албатта, қизларимиз учун қўлланилаётган ўзига хос бу текширув баъзиларга маъқул келмади. Начора, ҳамиша бошланган янгилик ҳаммага ҳам ёқавермайди. Йигитларни аскарликка лойиқ ёки нолойиқ эканликларини шикофорлар кўригидан ўтказилиши ҳам бир пайтлар ана шундай баҳсга сабаб бўлган. Энди эса бунга оддий ҳолат деб қаралади. Мақсад — битта: ёшларимиз никоҳларини мустаҳкамлаш, аҳди-паймонларини узвий бўлиб қолишига эришиш, соғлом оила қуришларига замин яратишдан иборат. Ўйлаймизки, биз бошлаган тадбир бўлажак келинкуёвларнинг юзлари ёруғ бўлишига йўл очади.

Адолат ОТАБЕКОВА,
Гулистон тумани ФҲДЁ бўлими мудираси.

МЕҲНАТ ИККИ КЎЗДАН...

Жарқўрғонда Кўчмақум деган адирлик бор. Ҳатто саксовул ўсмасди. Қибладан шамол қўзғалса, ўша адирнинг гўё ҳипилдирик (қамишнинг худди парқутга ўхшаган мевáси) дан-да енгил майда сариқ қуми учиб, шаҳарликларнинг тишлари орасида қолиб кетарди.

Аҳмад Ҳасанов деган акамиз туман нефть маҳсулоти таъминотига бошлиқ бўлиб, ўша адирликда идора қурди. Саксовул нима бўпти, гул ўстирди. Кўчма қумни гулзорга айлантирди. Боғ-роғ қилди.

Ҳасановнинг иши пухта: у ишлаётган бўёқ офтобда ўнгмайди. У қўйган ғишт ярқирайди. У билан ишлаган одамлар бошқаларга билмадиму, ўз раҳбарларига ёлғон гапирмайди.

Ўзи бўлса аҳён-аҳёнда, яқин орада пенсияга чиқиши мумкинлигидан гап очиб қолади. Овозини эшитган, қўл узатиб у билан кўришган (қўллари афсонавий Ҳасан Кўлборнинг гурзисидай, қаттиқ. Волейбол ўйнайди-да) одам унинг бу гапларига ишонмайди.

Ободонлаштиришдаги ишларини инобатга олиб вилоят ҳокимлиги жамоани «Нексия» билан мукофотлади.

Мукофотдан мағрурланиш қайда, аксинча, Ҳасановнинг кўзига ҳали кўп ишларни қилмагани кўриниб қолди.

Энди Деновдан эшитинг, Денов нефть маҳсулотлари таъминоти идораси қошида ўнга яқин маиший (пуллик) хизмат кўрсатиш нуқтаси очилганди. Шулардан бири — бичиш-тикиш цехи бир йилда корхонага 1 миллион 700 минг сўм даромад берди. Одамлар учун иш ўрни кўпайиб бораётгани, уларга бинойидай маош берилаётгани... буям мукофот, рағбат.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲИССАДОРЛАР НЕГА НОРОЗИ?

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

...Урганч шаҳридаги «Мангуберди» ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг мана бир ярим ойки тинчлари йўқ. Яна-да тўғироғи, салкам бир ярим йилки, ҳиссадорлар судма-суд судрашлар, сўнгги йўқ текширишлардан безишди. Турли инстанцияларга хат, телеграмма, илтимосномалар жўнатишнинг охири кўринмайди. Йиғилишлар, шикоят, ариза, илтимосномаларни имзолаш билан юзлаган ҳиссадорларнинг кўп вақти ўтаяпти. Уларнинг фойдали юмуш билан шуғулланиш, иқтисодиётимизни ривожлантириш ўрнига «иситмали жамоа» тамғасини олишидан ким зарар кўрмоқда? Аввало — ҳиссадорлар. Мулк эгалари. Қолаверса — маълум маънода умум иши.

«Мангуберди» фирмаси олдинлар «Хоразмтаъмирқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти таркибида эди. Ўтган йили маошларнинг ўз вақтида берилмаётгани, 1995 йил якунига кўра бутун жамоага атиги олти минг сўм миқдорида дивиденд ҳисобланганидан норози бўлган ҳиссадорлар ажралиб чиқиб, мустақил ҳиссадорлик жамияти сифатида ишлашга қарор қилишди. Бу ҳақда 1996 йил февраль ойида «Хоразмтаъмирқурилиш» ҳиссадорлик жамияти қузатув кенгаши ва раҳбариятига бир неча марта ёзма мурожаат жўнатишди. Аммо уларнинг ажраб чиқишига қарши турган жамият раҳбарияти бунга розилик бермади. Умуман айтганда, илтимосномалар инобатга олинмади. (Эътибор беринг: кейинчалик суд жараёнларида ҳатто «бундай хатларни олмадик» деб кўрсатма бердилар).

Мангубердичиларнинг 1996 йил августда бўлган йиғилишига келган «Хоразмтаъмирқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси А.Норматов кун тартибидаги масалаларни олиб ташлашни таклиф қилиб, овозга қўйди. Унинг таклифи умумовозига қўйилиб рад қилингач, мажлисни ташлаб чиқиб кетди. А. Норматов таклифини изоҳлаганда «Мангуберди» фирмаси собиқ директори О.Маткаримов шахси билан боғлиқ важларни рўкач қилган. Қизиқ, гап бу ерда кўпсонли ҳиссадорлар, уларнинг тақдири ҳақда эмас, балки икки раҳбарнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлиб қолган. Худди шу йиғилишда О.Маткаримов ажралиб чиқиб, янгитдан ташкил топган «Мангуберди» ҳиссадорлик жамияти раислигига бир овоздан сайланади.

Умуман, ўтган даврда жамиятда ишлар яхши ташкил қилинганини рақамлар кўрсатади. 1996 йил учун ҳиссадорларга 245 минг сўм миқдорида дивиденд берилган.

Аммо, «Хоразмтаъмирқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти «иситма»ни тинч қўймайди. Уларга нисбатан вилоят ҳужалик судида даъво аризаси кўриб чиқилди. 1996 йил октябрь ва 1997 йил февраль ойидаги «иш»ларда «Мангуберди» жамияти қонуний йўл тутгани вилоят ҳужалик суди қарорида тасдиқини топди.

Масала республика Олий ҳужалик судигача борди. Ниҳоят Олий ҳужалик суди шу йил 21 майдаги 249-сонли қарори билан «Хоразмтаъмирқурилиш» ҳиссадорлик жамияти «тарозисига миниб» амалда қонуний ташкил қилинган жамоани тағин «умумқозон»га қайтарди.

Олий ҳужалик суди далилларида юқорида биз эслатган «юқори ташкилот қузатув кенгашига хат ёзилмагани», Вазирлар Маҳкамасининг ўша пайтда амалда бўлган қарори ҳозирда ўз кучини йўқотгани ва бошқа важ-карсонлар кўрсатилган. Жамият ташкил топган пайтда амалда бўлган қарор кейинчалик ўз кучини йўқотиши ҳиссадорларнинг айби эмас-ку. Уларнинг ниятлари холис, мақсадлари олижаноб эди, холос.

А.Норматов фикрича, «ажралиб чиқиш», мустақил ҳужжат юргизиш учун фирма аъзоларининг акциялари умумакциянинг 10 фоизини ташкил қилиши керак эди. Аслида ўн фоиздан жуда оз. Демак, уларнинг ажралиб чиқиш ҳуқуқлари умуман йўқ». «Вақт» депозиторияси берган маълумотда эса мангубердичиларнинг акциялари миқдори 16 фоизни ташкил қилиши кўрсатилган. Кимга ишониш керак?

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Буни Азамат Норматов шундай изоҳлайди: «Шунча йил мавжуд бўлган ва бюджет идораларига хизмат кўрсатадиган йирик ташкилот турли майда, мулк шақлидаги ташкилотларга бўлиниб, йўқ бўлиб кетмасин!» Азамат — ишчан, тўғрисўз, кескир раҳбар. Ўз фикрида қатъий. Тўғри, қачонлардир трест, бошқарма қуринишидаги кўпгина давлат корхоналари ҳозирда мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиб-ишлашяпти. Янгича иқтисодий шароитда якуний натижа фақат йирик, монопол ташкилотлар куч-қуввати билан ўлчанмайди. Асосийси — одамларнинг онгида янгича шароитда, янгича шаклда ишлаш, пировардида боқимандачилик иллатидан қутилиш.

Отахон Маткаримовни ҳиссадорлар қаттиқ ҳурмат қилишади. Янгиликларга ўч, ташаббускор раҳбар. Уни жамият раислигига бир овоздан сайлашган. У ҳар қандай шароитда ҳам кўп сонли ҳиссадорлар манфаатини ҳимоя қилишга тайёр.

Олий ҳужалик суди қаридан сўнг жамиятда бўлиб ўтган йиғилишда ҳиссадорлар ўзларининг норози эканлигини билдиришди. Республика Олий ҳужалик суди раисига ишни қайтадан, адолатли кўриб чиқиш сўралиб, илтимоснома жўнатилди. Республика Бош вазири ўринбосари В.Чжен номига ҳам худди шундай илтимоснома жўнатилди. Бу ёқда эса прокуратура жамият раҳбариятини чақириб, тезроқ ордер топширишни талаб қилмоқда. «Хоразмтаъмирқурилиш» раҳбарияти эса уларга умуман... «...мулкни жамиятга топшириб, чиқиб кетишларини» буюрган.

Мулк — ҳиссадорларники. Улардан бу мулкни тортиб олиш — куппа-кундузи талашдан бошқа нарса эмас.

Хўш, раҳбарлар ўзаро келишолмас, ҳужалик судлари, ҳокимлик ва бошқа масъул идоралар «хатоларига йўл қўйишар» экан келиб-келиб бунинг жабрини бир гурух мулк эгалари — оддий фуқаролар тортиши тўғримми?

«Мангуберди» ҳиссадорларининг норозилиги факти вилоятда ягона эмас. Шу кунларда худди шунга ўхшаган бошқа бир иш ҳам ҳужалик судида кўриб чиқилмоқда. У «иш»дан мақсад ҳам — мулк эгаси бўлиб, узларича «бўйсунмас» бўлиб кетганларнинг таъбини тортиш, жиловини тўғрилаш!

Умид қиламизки, прокуратура мазкур масалага ойдинлик киритиш, мулкдорларни ҳимоя қилишда адолат кўрсатади!

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдулла СОБИРОВ,
журналист.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ХИЖОЛАТДАН ҚИЗАРГАН ГУВОҲНОМАЛАР

Эрталаб метронинг «Амир Темур хиёбони» бекатидан чиқиб келяпман. Ёз ҳавоси сабабми, анча салқин бўладиган метродан чиқишдаги узун қилиб қурилган ер ости йўли майда тижоратчиларнинг «савдо хизмати» билан банд. Бу ердан майда-чуйданинг ҳар хил турини топиш мумкин: ўқув қуроллари, қадоқланган озиқ-овқатлар, хуллас, паспорт ва турли хил гувоҳномаларнинг қизил рангдаги ялтироқ жилдларигача...

Мени ўзига жалб қилган нарса ўша жилдлар бўлди ва уларнинг юз қисмларига эътибор бера бошладим. Энди қаранг. «Гувоҳнома» деб ёзилиши керак бўлган жилднинг юзи гўё русча ёзилган «Удостоверение»дан ҳижолатда қизариб турибди. Буни кўрдиму... Нега «Гувоҳнома» ўзбекча эмас? Бу нарса етмагандай паспорт жилдининг юзидаги ой ва якка юлдуз тасвири...

Нега? Ахир, менинг кўзларим байроғимиздаги ой ва ўн икки юлдузга ўрганган эди-да.

Бошқа давлатникимикан десам, жилдга «Ўзбекистон» деб ёзилган, унинг тепароғини эса ой билан ягона юлдуз эгаллаб турибди. Буни қандай тушуниш керак?

Энг асосийси, бу савдо нуқталари ҳам осмондан тушмаган-ку. Уларни назорат қилувчи идоралар, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, солиқчиларимиз қаёққа қарашаяпти?..

Шоди ОТАМУРОДОВ,
ТошДУ талабаси.

ХИЗМАТ ҲАҚҚА ЯРАША БЎЛСИН

Ҳозирда ҳар қадамда бозор. Бу яхши. Бозорлар билан бир қаторда уларга ёндош бошқа хизмат тармоқлари ўз-ўзидан пайдо бўлди. Масалан, енгил машиналарнинг пуллик туриш жойлари. Лекин бу хизмат машина эгаси тўлаган пулга лойиқ эмас.

Масалан, Хоразмнинг Хазорасп туманида бутун минтақага машҳур бозор бор. Бу ерга қўшни республикалардан ҳам харидорлар келишади. Бозордаги нарх-наво олувчи ва сотувчига яратилган шарт-шароитга эътироз билдириш қийин. Лекин ҳар куни бозорга келаётган ўн минглаб кишиларнинг машиналари турадиган «пуллик тўхташ жойи» талабга жавоб бермайди. Яқинда отам билан ўз машинамизда бозорга бордик. Тўп-тўп машина. Кираверишда қўлига қандайдир қоғоз ушлаб, «қизил боғич» боғлаб олган йигитлар машина деразасидан бош тиқиб, дарров ҳақ олиш ниятида бўладилар. Пулни олишса бўлди: ё патта берадилар ё йўқ. Кейин хоҳлаган ерда машинанга ўрин топиб қўявер. Тўрт томчи ёмғир ёғса «стоянка»нинг ярмини сув босади. Саратонда эса чангиб ётибди. Хўш, ҳар куни минглаб машина эгасидан пул олаётган «хизмат эгалари» бу маблағни нимага сарфлашяпти? Ҳеч бўлмаса ерга асфальт ётқизиш ёки текислаб, озода қилишга қурблари етмайдими?

Бозордан келгач, ярим кун лойга беланган отамнинг машинасини ювиб, шулар хаёлимга келди.

Раъно ҚУРБОННИЁЗОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани.

МЕҲР-ОҚИБАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Кўп йиллардан буён ҳайдовчиман. Йўловчиларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишда озми-кўпми ҳиссам борлигидан фахрланаман. Ҳар куни турли феъли инсонлар билан мулоқотда бўламан. Баъзиларидан хурсанд бўлсам, айримлари кўнгилни ранжитади. Тан олиш керак, гоҳида чипта бўлмай қолади. Шундай кезларда ҳам йўловчиларни ўз манзилларига етказишга ҳаракат қиламан. Яхшилик — яхшида. Аммо, баъзида айрим йўловчилар ўз манзилларига етиб боришгач: пулимиз йўқ, тугаб қолди, дея ёлғон гапиришади. Ҳатто ҳақорат қилганлари ҳам бўлади. Ахир ўзини ҳурмат қилмаган инсон ўзгани қадрига етармиди? Ҳар биримиз меҳр-оқибатли, инсоф-диёнатли бўлсак ёмон бўлмасди, дейманда.

Ҳикмат ҲАСАНОВ.
Тошкент шаҳри.

Хатларни Қурбон ЭШМАТОВ саралади.

ТАКАББУРЛИК ОҚИБАТИ

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Яқин Шарқ минтақасида сўнгги вақтдаги беқарорлик дунё жамоатчилигини тобора хавотирга солмоқда. Минтақада Исроил-Фаластин можаролари кундан-кунга кескинлашмоқда.

Айниқса, сўнгги бир ой давомида икки томоннинг қарама-қаршилиги кучайиб, фаластинликлар билан Исроил қўшинлари ўртасидаги қуролли тўқнашувлар авж олди. Бунинг оқибатида кўплаб фаластинликларнинг ёстиғи қуриди. Фаластинликлар Исроил полицияси ва ҳарбийларига қарши тош ва ёнувчи моддалар солинган шиша идишлар билан ҳужум қилмоқдалар. Исроил томони эса бунга жавобан ўқотар қуролларни ишга соляпти. Исроил қўшининг мерганлари уйларнинг томига чиқиб, намойиш ўтказаётган қуролсиз фаластинликларни мўлжалга олиб отмоқдалар. Исроил ҳарбийларининг Фаластин аҳолисига нисбатан бундай аёвсиз ҳаракатлари сиёсий вазиятни баттар чигаллаштиряпти.

Исроилда ҳокимият тепасига Беньямин Нетаньяху бошчилигидаги ҳукумат келганидан буён ўтган бир йилдан зиёдроқ вақт ичида Исроил-Фаластин можароси иккинчи бор кескинлашмоқда. Шу кунлардаги кескинлик эса жаҳон халқлари томонидан «янги қўзғолон» деб баҳоланмоқда.

Фаластинликларнинг Исроилга қарши биринчи қўзғолони 1987 йилдан 1993 йилга қадар давом этган эди. Исроилнинг собиқ бош вазири марҳум Исҳоқ Рабин ақл ва адолат йўлини тутиб, 1993 йилнинг июнь ойида икки томон орасида тинчлик музокараларини бошлаган ҳамда Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига маълум даражада эришган ҳам эди. Аммо ўтган йилнинг ўзидаёқ ҳукумат тепасига келган ҳамоно Нетаньяху уруш ва зўравонлик йўлини тутиб, Қуддус шаҳрининг шарқий қисмида яҳудийлар учун уйлар қурдира бошлади. Бунинг устига шаҳарни Исроилнинг пойтахти деб эълон қилажагини билдирди. Бунга қарши чиққан фаластинликларни эса Исроил полицияси ва ҳарбийлари томонидан аёвсиз отиб ташлана бошланди.

Бугунги кунда Беньямин Нетаньяху агар Исроилга қарши намойишлар тўхтатилмаса, Фаластин ҳудудига катта қўшин киритишини билдиряпти. Унинг бу хатти-ҳаракатлари нафақат халқаро ҳамжамият, ҳатто ўз сафдошларининг ҳам норозилигига сабаб бўлмоқда.

Нетаньяху мамлакатнинг ташқи ишлар вазири Давид Леви билан шу масалада баҳслашиб қолди. Шунингдек, ҳукуматнинг кўпгина вакиллари мамлакат парламентидан Нетаньяхуни Бош вазир лавозимидан четлатишни талаб этмоқдалар. Бу талаб қондирилса, Исроил ва Фаластин ўртасидаги келишмовчиликлар тўхтатилиб, минтақада тинчлик музокаралари яна бошлаб юборилар эди. Бугунги кунда эса икки қарама-қарши томон ўртасига раҳна солувчилар тобора қабиҳ ишларга қўл урмоқдалар. Ўтган ҳафтада исроиллик экстремист Фаластиннинг Хеврон шаҳри кўчаларида жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом шахсини ҳақоратловчи плакатларни осиб чиққан. Бундай жиноятнинг ўта қалтислигини ҳатто Исроил Бош вазири ҳам тан олди ва ўз полициясига жиноятчини дарҳол тутишни буюрди. Хеврон шаҳрини «ағдар-тўнтар» қилиб чиққан полициячилар мазкур плакатларни осган 25 ёшли исроиллик аёлни қўлга олдилар. Бироқ бу билан эътиқоди ҳақоратланган Фаластин мусулмонларининг ғазаби босилмади. Фаластинликлар яна қўлга қурол олишга ва Хеврондаги яҳудийлар яшаб турган маҳаллаларга ҳужум қилишга даъват билан чиқмоқдалар.

Хуллас, Яқин Шарқдаги сиёсий можароларнинг интиҳоси кўринмаяпти. Исроил ҳукумати, айниқса, унинг раҳбари Беньямин Нетаньяху можарони бартараф этиш учун қуролни эмас, сиёсий музокаралар йўлига ўтиш лозимлигини тан олмаяпти. Афсус, бундай такаббурлик оқибатида бегуноҳ одамларнинг қони тўкиляпти.

Яқин Шарқ минтақасидаги бундай мураккаб сиёсий вазият бошқа қўшни давлатлар, қолаверса, жаҳон жамоатчилигини қаттиқ ташвишга солаяпти.

Хайрулло НУРИДДИНОВ.

ОЛАМ КЎЗГУСИ

Марс сайёрасининг устки қатламини суратга олиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, бу сайёра аста-секин «занглаб» бораётган экан. Яна шу нарса маълум бўлдики, илгари бу ерда катта сув тошқини бўлган эмиш.

* * *

Кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигида Кипрдаги икки йирик рақиб Глафкос Клиридис билан Рауф Денкташ ўртасидаги учрашув бошланди. Бу учрашувдан асосий мақсад музокаралар йўли билан Кипрдаги вазиятни барқарорлаштиришдир.

* * *

НАТО кучлари ҳарбий жиноятда айбланаётган Радован Каражич ва Радко Младични ҳибга олиш ҳақида буйруқ олишди, деган гаплар ҳақиқатга тўғри келмайди, деди АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Николас Бэрнс. Унинг айтишича, жиноятчиларни қўлга тушириш ва уларни ҳарбий трибуналга бериш Босния раҳбарларининг вазифасидир.

* * *

АҚШ Шимолий Кореяга озиқ-овқат сотиб олиш учун маълум бир миқдорда маблағ ажратган эди. Айни пайтда бу маблағнинг иккинчи қисми, яъни 25 миллион доллар Шимолий Кореяга келтирилмоқда. Бундан ташқари Шимолий Кореянинг ғарбий қирғоқларига 17 минг тонна дон келтирилди. Айни пайтда 8 минг тонна дон ортган Америка кемаси ҳам мамлакатнинг шимолий-шарқий қирғоқларида турибди.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

ДПА агентлигининг хабарига кўра Неаполдаги маҳаллий жиноятчи гуруҳлар ўртасидаги урушни тўхтатиб қолиш учун бу ерга яқин келажакда 600 аскар киритилиши мўлжалланмоқда. Италия ҳукумати бир неча ой аввал шаҳарда бошланган ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишни маҳаллий ҳокимият вакиллари уддалай олмаганликлари учун бундай қадам қўйди. Агентликнинг хабарига кўра Неаполда жиноятчиларнинг қўлида 800 дан ортиқ киши ҳалок бўлган. Уларнинг асосий қисми тинч фуқародир.

* * *

Шимолий Корея ҳукмрон доиралари мамлакатнинг собиқ раҳбари Ким Ир Сен хотирасига бағишланган уч йиллик мотамнинг тугаганлигини маълум қилди. Маълумки, Ким Ир Сен 1994 йилнинг июль ойида вафот этган эди, деб хабар беради ДПА агентлиги. Мотам маросимлари тугагач, унинг ўғли Ким Чен Ир ҳокимият тепасига келди.

* * *

«Нью-Йорк таймс» газетасининг хабарига кўра нацизм қурбони бўлмиш яҳудийларга дастлабки 12 миллион доллар тўланадиган бўлди. Ушбу маблағни Швейцариядаги йирик банклар қошида ташкил этилган жамғарма тўлайди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тўланадиган умумий маблағ 100 миллион долларга етади. Газета таъкидлаб ўтганидек, бу пулнинг асосий қисмини шарқий Европа ва собиқ СССРдаги яҳудийлар олади.

ЙИРИК ҲИСОБЛАР

Олий лига футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг 15-тур ўйинларида иштирок этишди: «Суғдиёна»—»Янгиер» — 2:0, «Нефтчи»—»Чилонзор» — 8:2, «Бухоро»—»Пахтакор» — 1:0, МҲСК—»Навбаҳор» — 4:1, «Косонсой—»Зарафшон» — 1:2, «Афросиёб»—»Андижон» — 2:2, «Сурхон»—«Атласчи» — 2:0, «Хоразм»—«Дўстлик» — 3:6.

Ўйинлар жадвали

	Ю	Д	М	Т	О
МҲСК	**15**	**0**	**0**	**49-13**	**45**
Нефтчи	**13**	**1**	**1**	**52-16**	**40**
Дўстлик	**11**	**3**	**1**	**31-13**	**36**
Навбаҳор	9	3	3	36-18	30
Пахтакор	7	5	3	24-11	26
Сўғдиёна	8	1	6	21-19	25
Бухоро	7	1	7	21-20	22
Насаф	4	6	4	17-17	18
Трактор	4	4	6	14-17	16
Афросиёб	4	4	7	14-29	16
Косонсой	5	1	9	13-28	16
Зарафшон	4	3	8	22-28	15
Атласчи	4	2	9	15-28	14
Сурхон	3	5	7	13-30	14
Хоразм	**3**	**3**	**9**	**17-38**	**12**
Андижон	**3**	**2**	**10**	**14-33**	**11**
Чилонзор	**3**	**2**	**10**	**12-25**	**11**
Янгиер	**2**	**4**	**9**	**15-27**	**10**



Азим дарёлар тоғлардан бошланади

Рустам Шарипов олган сурат.

БУ САФСАТА ЭМАС

Германия иқтисодиёт институтининг хабарига кўра бу йил мамлакатда ишсизлар сони 4,5 миллион кишидан ошади. Бу ҳар саккиз немисдан биттаси ишсиз, демакдир. Германия ҳукуматини ташвишга солаётган асосий нарса шуки, кейинги йилларда ўсмирлар орасидаги ишсизлик кўпайиб бормоқда. Иқтисодчиларнинг маълумотларига кўра, ўсмирлар ўртасидаги ишсизликнинг асосий сабаби улар кейинги пайтларда ўқишни олий ўқув юртларида давом эттиришни истамаётганликларидадир. Шу боис ҳар бир ишчи ўрнига 5-6 ўсмир даъвогарлик қилмоқда.

* * *

Ёлғон инсон организмидаги кўпгина касалликларнинг асосий сабабчисидир. Буни америкалик олим Брентон кўп йил давомида тадқиқ қилиб, аниқлади. Ёлғон-яшиқ билан бевосита алоқадор бўлган киши олимнинг ҳисоблашича, уйқусизлик ва мия фаолиятидаги турли бузилишларга дучор бўлади.

* * *

Кофе ҳиди инсон саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам берар эмиш. Америкалик олимларнинг сўнгги тадқиқотларига қараганда фақат бу ичимликнинг ўзигина эмас, унинг ҳиди ҳам инсон организмига яхши таъсир ўтказар эмиш. Олимларнинг фикрича, бир пиёла кофе учта апелсиннинг кучини берар экан.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Ўтган куни Мадридда НАТОнинг навбатдаги саммити бошланди. Ушбу анжуманнинг асосий мақсади —Европа — Атлантика кенгашининг мажлисини ўтказиш. Унда асосан сиёсий маслаҳатлашувлар ва ҳарбий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинади. НАТО саммитининг 16 иштирокчиси сафига яна 28 мамлакатнинг вакиллари қўшилишади. Ушбу саммити давомида Чехия, Венгрия ва Польшани НАТОга қабул қилиш масалалари муҳокама қилинади.

***

Кеча Австриянинг Зальцбург шаҳрида Марказий ва шарқий Европа мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарларининг иккинчи Европа иқтисодий анжумани очилди. Давлат ва ҳукумат раҳбарларидан ташқари унда халқаро иқтисодий алоқалар соҳасида ишлайдиган вазирлар ва экспертлар ҳам иштирок этади.

* * *

Кеча ахборотларни ҳимоя қилиш борасида ҳамкорлик қилиш бўйича Россия-Белорусс ҳукуматлараро шартномаси имзоланди.

* * *

АҚШ давлат департаментида навбатдаги брифинг бўлиб ўтди. Уни давлат департаментининг расмий вакили Николас Бэрнс олиб борди. Йиғилишда Яқин Шарқ, Хитой ва Кипрдаги айрим воқеалар муҳокама қилинди.

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

FRANCE 98

1998 йил Парижда ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун курашаётган Осиё 5-гуруҳининг ***«Ўзбекистон — Яман»*** миллий терма жамоалари ўртасида саралаш ўйини бўлади. Учрашув ***13 июлда марказий «ПАХТАКОР»*** ўйингоҳида ўтказилади. Ўйин ***соат 19.00 да*** бошланади. Танаффус вақтида лотерея ўйинлари бўлади. Унга ***енгил автомобиль, аудио-видео аппаратлари, спорт анжомлари ва бошқа қимматбаҳо*** ютуқлар қўйилган.

«Тошкентсавдо» уюшмаси сизнинг хизматингизда.

ЎЙИНГОҲИМИЗГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ БАНК КОЛЛЕЖИ

1997/98 ўқув йили учун талабалар қабул қилади.
Қуйидаги мутахассисликлар бўйича ҳужжатлар қабул қилинади:
1. Банк иши.
2. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит.
3. Солиқ ва солиққа тортиш.
Коллежга 11 синф маълумотига эга бўлганлар қабул қилинадилар.
Коллежда ўқиш муддати — 3 йил.
ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:
— директор номига ариза;
— ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома (асл нусхаси);
— соғлиғи ҳақида 086-У шаклдаги тиббиёт маълумотномаси;
— 6 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат;
— иш стажига эга бўлганлар меҳнат дафтарчасидан кўчирма;
— паспорт ва ҳарбий билет (шахсан кўрсатилади).
Аризалар 25 июлгача қабул қилинади.
Тест синовлари математика, она тили ва адабиётдан ўтказилади. Коллеж юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси ҳомийлигида юқори даражадаги моддий-техника базаси билан таъминланган. Ўқув машғулотларини коллежнинг юқори малакали ўқитувчилари билан биргаликда Тошкент Молия институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Минтақавий Банк ўқув маркази профессор-ўқитувчилари ҳамда Банк-Молия тизимининг етук мутахассислари олиб борадилар.
Коллежни битирганлар тўлиқсиз олий маълумотга эга бўладилар.
Талабалар барча шароитларга эга бўлган ётоқхона билан таъминланади.

Коллеж манзилгоҳи:
Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, 75
Телефонлар: (8-37-12) 46-87-53
Мўлжал: Нукус кинотеатрининг орқа томонида.

НАСОС УСКУНАЛАРИ
ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи
"ФАРҲОД – ОБИ ҲАЁТ ЛТД"
корхонаси



ЭЦВ 5-6,3-80 (CVHU - 0315),
ЭЦВ 6-10-80 (CVHU - 0410),
ЭЦВ 8-40-100 (CVBU - 0710),
ЭЦВ 10-25-65 (CVRU - 0904)

туридаги насосларни кафолат хизмати билан корхона нархларида

НАВБАТДАГИ СОТУВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзилимиз: 702050. Тошкент вилояти, Зангиота тумани (маркази), Н. Ҳожибоев кўчаси, 1а (Тошкент ҳалқа йўли ёқасида).

Телефонлар: (3712) 72-39-52, (297) 5-34-38.

Бухоро шаҳридаги «СОЛИҲ» масъулияти чекланган жамият
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги масъулияти чекланган «Темур» жамияти
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади

Ўзтадбиркорбанк

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Сиз сармоянгизни яхши, даромадли шартларда жойлаштиришни истасангиз, мамлакатимиздаги тадбиркор ва ишбилармонларнинг ишончли банки –

ТАДБИРКОРБАНК

акцияларини сотиб олинг!
Акция баҳоси — 100 сўм.

Акцияларни Тадбиркорбанкнинг барча бўлимларидан сотиб олишингиз мумкин.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

700047, Тошкент ш., Содиқ Азимов кўчаси, 52 "А"-уй.

Телефонлар: (3712) 36-28-12, 36-28-23.
Факс: (3712) 33-83-21.

Жаноблар! Ажойиб имкониятни қўлдан бой берманг!

КЎНҒИЛЛАР ПАРВОЗИ

Илгари хабар қилинганидек, яқин кунларда Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Ўрикли» оромгоҳида республика ёш ижодкорларининг навбатдаги семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси уюштирган мазкур тадбирга республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватловчи Мирзо Улуғбек номидаги жамғарма, Жиззах вилояти ва Зомин тумани ҳокимликлари, шунингдек, «Ўрикли» оромгоҳи маъмурияти ҳомийлик қилди.

Семинар-кенгашда ёш ижодкорларнинг шеърий, насрий ва драматик асарлари тегишли кенгашларда муҳокама этилиб, муносиб баҳосини олди. Анжуман кунлари ёш қаламкашларнинг Абдулла Орипов, Йўлдош Сулаймон, Ҳусниддин Шарипов, Турсуной Содиқова, Азим Суюн, Маъруф Жалил, Икром Отамурод, Муҳаммад Салом, Оқилжон Ҳусан, Шарифа Салимова, Туроб Мақсуд, Абдуқаюм Йўлдош, Раҳмон Қўчқор, Салим Ашур сингари таниқли ижодкорлар билан адабий учрашувлар ўтказилди. Ёш ижодкорлардан Нодир Жонузоқ, Даврон Ражаб, Усмон Бек, Муҳаббат Тўхташева, Бобур Бобомурод, Ҳилола Исматова, Гулчеҳра Муродова, Шуҳрат Ориф, Уйғун Рўзиев, Шаҳло Аҳророва, Ориф Тўхташ, Наргиз Ёқубжон қизи, Бурҳон Шермуҳаммад, Насиба Саётли, Салим Камол, Фурқат Мели, Фахриддин Тўйчиевларнинг асарлари юқори баҳоланди.

Қўйида бир гуруҳ семинар иштирокчиларининг асарларидан намуналар ўқийсиз.

ҚИЗИМ МАДИНАГА

Қизалоғим, кўзмунчоғим,
Кўзи сузик қўғирчоғим.
Ширин — ширин
қилиқларинг
Овунчоғим, овунчоғим.
Айланайин, бўйларингдан,
Кел, ушлайин
кўлларингдан.
Супурайлик тиконларни
Йўлларингдан,
йўлларингдан.
Омон бўлгин — армон
бўлма,
Шодон юргин, хазон
бўлма.
Кулиб боққин дунёларга,
Ёмон бўлма, ёмон бўлма.
Қизалоғим, кўзмунчоғим...

Муҳаббат ТЎХТАШЕВА,
Самарқанд вилояти.

КЎНГИЛ

Д...га

Гарчи тожни кийсам-да,
Ҳукм сиздан — хонимсиз.
Давлатим ўз киссамда,
Сиз — хазинабонимсиз.

Руҳимга ўй кушанда,
Қалам қақрар қонимсиз...
Дил тўлғоққа тушганда —
Кечирган туғёнимсиз.

Муҳаббат диним эса,
Қиблам — сиз, иймоним —
сиз,
Кессин тилимни кесса...
Барқарор паймонимсиз!

Умрим шундай мушкулки,
Этгувчи осоним — сиз.
Юрагим шахсий мулким,
Сиз «бор-йўғи» жонимсиз!..

Усмон БЕК,
Тошкент вилояти.

МЕН ЯНГИМАН...

Мен янгиман, яна-да янги,
Қадаҳ бутун, синиқ
жаранги.
Боз намоён муҳаббат
ранги,
Дилда шоён Ватан оҳанги.
Кўз ростланар — ҳақиқат
жанги,
Сўз ростланар — торлар
таранги.
Қадаҳ титроқ, тиниқ
жаранги,
Мен янгиман, яна-да янги...

Бобур БОБОМУРОД,
Бухоро вилояти.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 10-iyul, payshanba № 80 (22.164).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ОЛТИН ОЛМА

Сув юзида ол бир олма оқиб келди,
Ул қирғоғу бул қирғоққа боқиб келди.
Қалқиб келди, юрагимдай қалқиб келди,
Олтин олма, олсам эканг уришмасми?

Боғинг излаб, билмам қаён чопарман, сўнг.
Гуноҳимни айт, не бирла ёпарман сўнг,
Бахтимними, ёҳуд армон топарман сўнг?
Олтин олма, олсам эканг уришмасми?

Ўғриланган юрагимга юзинг ўхшар,
Сени узиб сувга солган қайси гўша?
Юрагимни олиб қўйган балки ўша,
Олтин олма, олсам эканг уришмасми?

Мен ҳам сендай битта боғда эрка эдим,
Уммонларда оқиб кетдим, қисмат дедим,
Қисматингни, сени сўрмай еса гар ким?
Олтин олма, олсам эканг уришмасми?

Қайси боғда қолди сенинг изинг, олма,
Балки бордир менга айтар сўзинг олма?
Юрагимга ўхшар экан юзинг, олма...
Олтин олма, олсам эканг уришмасми?

Шаҳло АҲРОРОВА,
Жиззах вилояти.

ВАҚТ

Вақт ҳеч шошилмасдан ташлайди қадам,
Қадам товушлари келар бирма-бир,
Бир кун вазмингина ўзар ҳаммадан,
Ҳамма ўлим тошларига суринади.

Ошсада милён киши ёшидан,
Ўлим асло уни қилмас назорат.
...У борар вақтида ўлим тошидан
Ўз йўлин қўйгандек тозалаб!

Ориф ТЎХТАШ,
Самарқанд вилояти.

СИР

Бизнинг йўлларимиз бошқа,
Манзилимиз бир.
Кетамиз.
Бошни менгзаб тошга,
Тош — сабр.
Мен энг кўп кутганман сени.
Мендек кута олмас ҳатто —
қабр!
Бевафо деб бўлмас бизни,

Хиёнат ҳам ёлғон, ёлғондир
жабр.

Бизни севарлар-у, биз севолмасмиз,
Жаннатми, дўзахми бу дунё надир?
Бизнинг йўлларимиз айри-айри,
Тақдиримиз кўз ёшидек тахир,
Йўқ тақдирдан нолиёлмаймиз,
Шўрлик тақдир-да асир.
Биз эса икки тарафга кетган,
Ҳеч ким тушунмаган, англолмаган сир.

Ҳилола ИСМАТОВА,
Навоий вилояти.

АЁЛЛАРГА

Қўй, ўйлама арзимасни,
Ҳатто бир дам хаёлларга.
Кўз ёш тўкма ул демасму,
Касб-кор бу аёлларга.

Соғинчларга арзирми у,
Ёдламайин тургил бир дам,
Арзимайди лабларингга,
Тўкилган бир киприкка ҳам.

Билмайди у совуқ қотиб,
Шудрингларда яланг оёқ.
Сой томонга чопишингни.
Ширин тушдан уйғонибоқ.

Зор бўлар ҳам, келар қайтиб
Ҳузурингга эгиб бошин.
Рўмолчалар тўқиб қўйгил.
Оқизмоғи аниқ ёшин.

Фақатгина келтирма ҳеч
Ялинмоқни хаёлларга.
Шукр, Оллоҳ чексиз берган
Ғурур, бардош аёлларга.

Наргиз ЁҚУБЖОН ҚИЗИ,
Фарғона вилояти.



Зомин мушоираси лавҳалари.

Абдулғани ЖУМА олган суратлар.

ГУЛ ҚИСМАТИ

Ўтлоқдаги майсалар ичра, униб чиққанида гулғунча. Кенг оламга сиғмай қолди миттигина Булбулча. Тунлари бўлиб бедор, мисралар битиб қатор, тонгла келиб Гулғунчага изҳор эта бошлади.

Гулғунча қобиқ ичра қиқир-қиқир кулиб тинглади.

Оз фурсатда Қорабулутдан Шабода элчи бўлиб келди. Ғунча қобиғидан мўралаган пайтда қора тулпорига ястанган Қорабулут етиб келиб, томчилари билан уни ювди, таради. Фақатгина шеър билан иш битар эканми, дея қаҳ-қаҳ урди, отини қамчилади.

Яна бошқа бир кунда, Гулғунча гул бўлганда, Қорабулут келиб, гулдурос овози билан Чинорга дағдаға қилди, кўзларини чақнатди. Ҳар куни Булбулни бағрида ухлатгани учун бошига Чақмоқ мушти билан урди, Чинор майишиб кетди. Кафтидаги Булбулни қўйиб юборди.

Бу орада Қорабулут Гулни олиб кетган эди.

Кулиб шеър битган Булбул энди йиғлаб, мисралар битди, барибир битди...

Салим КАМОЛ,
Жиззах вилояти.

СЕНДАН ЙИРОҚ

Жуда чеккада алаҳсираб ухлайди қуёш. Қоп-қоронғу ҳорғин кечада, секин-аста ёрилади тош.

Намлик қочар кўзингдан, Нигор, танҳо ўзинг қолдинг бу кеча. Гулдонингдан сув ичади гул, нафратингни қўзғатади ул.

Сендан йироқ, жуда чеккада, жимир-жимир турар юлдузинг. Қоп-қоронғу ҳорғин кечада, фириб берар қарасанг кўзинг.

Намлик чопар кўзингга, Нигор, танҳо кўрдинг бунда мени ҳам. Гулдонингдан сув ичмайди гул, нафратингни қўзғатмайди ҳам.

Фурқат МЕЛИ,
Жиззах вилояти.

* * *

Майли, сандувочлар айтмасин
эртак,
Майли, туғилмасин кўзимда
куртак,
Йўқ, энди кутмайман —
гул-этак-этак,
Мен энди ўзимни ўзим
севаман.

Энди кўчангизга чизмайман
излар,
Энди йўлингизга суянмас
ҳислар,
Майли, аразласин
тиллақўнғизлар, —
Мен энди ўзимни ўзим
севаман.

Юрагим кўмилди
фироқларингга,
Кўзларимни осдим
оёқларингга,
Алдандим, алдамчи
нигоҳларингга,
Мен энди ўзимни ўзим
севаман.

Энди менинг учун тошларни
суйинг,
Изимга тўкилган ёшларни
суйинг,
Бир лаҳза, бир лаҳза ўзимга
қўйинг —
Мен энди ўзимни ўзим
севаман.

Мен энди олисга кетаман,
қушлар,
Излаб тополмайсиз алдамчи
тушлар,
Ортимдан югурманг, ёлғон
кумушлар.
Мен энди ўзимни ўзим
севаман!..

Шуҳрат ОРИФ,
Фарғона вилояти.

ДУО

Оё ҳазорисбанд, оё дард
олар,
Оё тутоқасан чўғ
устида чўғ.
Қирлар сийнасида
томир отганим,
Ҳазорисбанд чарслар,
ўзга ғамим йўқ.

Шамоллар телбадай
бош урар бетин,
Дарёнинг жиғадор
қамишларига.
Бийдай чўл руҳимни
оқизар сокин,
Жиғадор қамишнинг
хонишларида.

Оё ҳазорисбанд, оё дард
олар,
Оё тутоқасан чўғ
устида чўғ,
Илким кучга тўлиб,
бут бўлса эсим,
Ғамкоса дунёни тан
оларим йўқ.

Насиба САЁТЛИ,
Бухоро вилояти.

ЖИЯНИМ РОҲИЛАГА

Кулишларинг бунчалар
ширин,
Бунчалар ҳам беғам,
беташвиш,
Билармисан бу олам
сирин,
Борми сенда битмайдиган
иш?

Гоҳо келар мен ҳам
қўшилиб,
Сенлар билан ўйнагим,
кулгим,
Афсус, кетди мендан
шошилиб,
Ўшал беғам болалик
чоғим.

Майли улғай соғлом ва
ўктам,
Сени кутар порлоқ
келажак.
Сизлар билан бенуқсон,
бекам
Ўзбекистон — буюк
бўлажак!

Бурҳон ШЕРМУҲАММАД,
Жиззах вилояти.

* * *

Сен юрагимда қўшиқсан
Тўсиқлар ўтилиши мумкин
Сени фақат кўзларим сўзлар
Бировлар ўйлайди йиғлаяпти деб
Тўсиқлар енгилиши мумкин
Сен мен учун ҳавосан
Мен юракман сен яшайдиган

Даврон РАЖАБ,
Хоразм вилояти.

Мен 1949 йил октябрида бўлиб ўтган республика ёш ижодкорлари семинар-кенгашида биринчи марта қатнашиб, шеър ўқиган эдим. Шундан бери ёшларнинг қарийб барча ижодий анжуманларида маслаҳатчи, мухбир, мезбон ёки меҳмон сифатида иштирок этиб келаман. Июль ойининг дастлабки кунлари тақдир менга Зомин васлини ва ўттизга яқин умидли қаламкашлар суҳбатини насиб этди. Шу сабабли бизларни таништирган Зомингa ва меҳмондўст зоминликларга ҳаммамизнинг номимиздан ташаккур изҳор этгим келиб қолди.

ЗОМИНГА ЭҲТИРОМ

Боғбондан сўрасам бу жаннат номин,
Деди лўнда қилиб: — Зомин бу, Зомин!

Қўшиққа айланиб борар мавж ичра,
Сойлари тўлдириб илҳомнинг жомин.

Офтоби уйғотган тонгин куйлайми,
Мақтайми юлдузлар уйғонган шомин?!

Лаб тишлаб турганн вақти йўқ экан,
Йўғини яратар, пиширар хомин.

Яшнамоқдан ўзга не ташвиши бор,
Мўътабар деб билгач меҳнат каломин!

Тинчлигу омонлик заминидир бу,
Тоғлар тўсиб ётар хатарнинг комин.

Балки она бўлиб йўргаклаб олар
Шу боғлар Жиззахнинг янги Хайёмин.

Тилим ширинлигин сабаби шуки,
Гулидан бол ичиб, едик ош-нонин.

Этдинг меҳринг ила кўнглимиз обод,
Зомин, дард кўрма ҳеч ўзинг ҳам... Омин!

Ҳусниддин ШАРИПОВ.
1997 йил, 3 июль,
Ўриклисой.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0433

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА